



Аллоҳ таоло айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига бўлдим, бандам сўраганини олади»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло айтади: «Намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига бўлдим, бандам сўраганини олади, агар банда: «Алҳамдулиллаҳи Роббил ʼаламийн» (Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин), деса, Аллоҳ: «Бандам Менга ҳамд айтди», - дейди. «Ар-роҳманир- роҳийм» (Меҳрибон ва раҳмли), деса: «Бандам Менга сано айтди», - дейди. Агар: «Маалики явмиддин» (Қиёмат кунининг подшоҳи), деса: «Бандам Мени улуғлади», - дейди. Ва бошқа ҳадисда: «Ишни менга топширди», - дейилган. Агар банда: «Иййака наъбуду ва иййака настаъийн» (Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз), деса: «Мен билан бандам ўртасидаги нарса шу ва бандам сўраганини олади», - дейди. Агар: «Иҳдинас-сиротол- мустақийм, сиротал лазийна анъамта ʼалайҳим ғойрил мағзуби ʼалайҳим валлаззо-оллийн» (Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас) деса, Аллоҳ: «Мана шу бандам учун ва бандамга сўрагани», деб айтади».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло шундай деганини хабар бердилар: «Намоздаги Фотиҳа сурасини иккига бўлдим, ярими менга ярими унга». Биринчи ярими: Ҳамду сано ва Аллоҳни улуғлаш, у учун унга энг яхши мукофотни бераман. Иккинчи ярими: Ёлвориш ва дуо, уни қабул қиламан ва сўраганини бераман. Агар намоз ўқувчи: «Алҳамдулиллаҳи Роббил ʼаламийн» (Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин), деса, Аллоҳ: «Бандам Менга ҳамд айтди», - дейди. «Ар-роҳманир- роҳийм» (Меҳрибон ва раҳмли), деса: «Бандам барча махлуқотларга берган неъматимни эътироф қилди, Мени мақтади ва сано айтди, бутун», - дейди. Агар: «Малики явмиддин» (Қиёмат кунининг подшоҳи), деса: «Бандам Мени улуғлади», - дейди. Ва бошқа ҳадисда: «Ишни менга топширди», Агар банда: «Иййака наъбуду ва иййака настаъийн» (Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз), деса: «Мен билан бандам ўртасидаги нарса шу ва бандам сўраганини олади», - дейди. Бу оятнинг биринчи ярими: (Иййака наъбуду), Аллоҳ таолони улуҳият ва ибодатни қабул қилишда эътироф этишлиқдир. Шу билан Аллоҳ учун бўлган қисми тугайди. Оятнинг иккинчи бўлими банда учун: (иййака настаъин) Аллоҳдан ёрдам сўраш ва Аллоҳнинг ёрдам беришга бўлган ваъдаси. Агар: «Иҳдинас-сиротол- мустақийм, сиротал лазийна анъамта ʼалайҳим ғойрил мағзуби ʼалайҳим валлаззо-

оллийн» (Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас) деса, Аллоҳ: «Мана шу бандамдан бўлган тавозеълик ва дуодир ва бандамга сўрагани унинг дуосини қабул қилдим», деб айтади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65099>

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

